Табакайи мунавварайи миллияси (яъни интеллигенцияси) бўлмаган бирор-бир миллат йўқдир.

Немис, франдуз, инглиз каби буюк миллатлардан ибрат олган поляк, чех каби мутамаддун кавмларни хам киёсга олмас эсак, Русиянинг шимолидаги бир ховуч финланда ва жанубидаги ярим хрвуч арманиларда хам «табакайи мунавварайи миллия» кўрмокдамиз... Кўрмокдамиз-да, сукланиб ва хасратда колиб, ўз миллатимизнинг бундан махрум эканлигига конли ёшлар тўкмокдамиз.

Бир милйўн армани орасида бир неча юз зиёли миллатчилар борлиги ва мухаббати миллиялари, жиддият ва фаолият ва ихлослари ила Усмонли ва Русия каби икки буюк хукуматнинг тасарруфида бўлган бир неча вилоятларни бир-бирига карама-карши килишга муваффак бўлганлари холда йигирма милйўн Русия мусулмонлари ёки ўн саккиз милйўнлик Русия турклари орасида етти-саккиз жиддий миллиятчи бўлмаганига таассуф оздир, оташларга кириб, ёнишимиз керак.

Бундан йигирма, ўттиз, кирк йил аввал миллатимизнинг бошида турган, русларнинг таъбиринча, «образованнне мусульмане» (табакайи мунаввaрамиз) тилга олинар эди. Булар икки генерал, уч пўлкўвник, беш капитан, етти ясавул пўдпўручик, ўн икки губернски секретар, йигирма колижаский регистратур ила буларга йўлдош бўлган кирк-эллик сохиби медал ва хилъат афандилардан бўлар эди.

Ушбу табака учун миллат надир ва миллат учун булар надир? Бу — хар бирингизга маълум.

Ичкари Русияда, Кримда ва Кавказда бу табакадан миллатга ёдгор колган бир нарса йўқдир. На иш, на ёзув, на илм ва на яхши от.

Нима бўлганда хам, жаноби Хак бу табаканинг таксиротини афу этиб, кайта пайдо бўлишларини ўзи насиб айласин. Фалон бекнинг мадрасаси, фалончи етиштирган одамлар, фалон князнинг асари адабияси ё таржимайи фаннияси ёки химмати илмияси ўларок «бир нарса» кўрилмади. Миллат фоидасига килинган фалон «бир иш» эшитилмайди.

Бу мархумларнинг тўгридан-тўгри ўгил ва авлоди бўлмаса-да, ворислари, деб ном олган ёшларимиз ва ёш табакайи мунаввaрамиздан буюк ишлар, нафъли амаллар, миллатни тараккий ва юксалишига олиб борувчи тадбирлар кутилмокда. Ажабо, булар мансуб бўлган миллатларига кандай хизмат килишлари мумкин?

Бунга жавоб берадиган даражада бирор-бир асар ва адабиёт йўқдир. Матбуъ суратда маслаки миллия музокара килинмади. Бу холда тахсили олия кўрган жавонларимиз ва бошка бир суратда касби маълумот этмиш одамларимиз бир мажлис, бир ижтимоъ килиб, жиддий бир маслак ва тарзи харакат таъйин этсалар яхши бўлмасмиди?

Хар вилоятда бир неча зиёли ёки маълумотли мусулмон бор. Аммо булар бир-бирини билишни истамай, пароканда умр ва фикр юритмокдалар... Биз, зиёли мусулмонлар, жуда озмиз. Лекин жумламиз уч-беш кун бир махаллада ижтимоъ ва мажлис килсак, «бир канча» эканлигимизни кўриб, кўнглимизни очар, фикримизни этардик.

Миллатимизга букун нима керак? Миллатимизга эрта ва индин нима керак бўлади? Бугун нима килиши керак, нима килмаслиги керак? Миллат нима истайди ва нимани истамайди каби бир канча масалалар музокара килинарди ва шубхасиз, фоидаси хам кўринар эди.

Оддий ва содда ахоли, яъни тужжору уламо ва оддий косиблар икки-уч маротаба

«умумий мажлис»лар ўтказиб, Макарияда, Петербургда «шўройи уммат»ларга юзлаб келдилар. Бир турли мушоваралар килиб, карорлар кабул килдилар... Биз, зиёлиларга буларнинг химмати намунайи им тисол бўладиган холлардандир.
Миллат уйгонади, иш бошлайди. Бизлар... кўркаман, хозир нима лозим. Ё мавзудан четда ёки янглиш йўлларда юрмокдамиз.

«Таржимон» г., 1907 й., 12-сон